



MILLIY TIKLANISH

27 (140) ● 2011 йил 13 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz ● 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган


Партия матбуот хизмати

Бугунги воқелик сиёсий партиялар нашри сиёсий партиялар фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш, уларнинг дастур ва ғоялари, мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш, партия электорати сафини янада кенгайтиришнинг муҳим ва ягона воситасига айланганини кўрсатмоқда.




Сингапур таълим истиқболи

Дунё харитасидан тарикддек ҳам жой эгалламаган Сингапур бозор иқтисодиётига эга ривожланган давлатлардан биридир. Ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиш ҳиссаси дунёдаги энг юқори кўрсаткичларидан бирини эгаллаган мамлакат нафақат иқтисодиётда, балки таълимда ҳам катта ютуқларни қўлга киритди.



Кўнгилни англаш санъати

«Устоз-шогирд» аънаси ижодкор ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Отамнинг йўл-йўриқлари, тажрибалари, сабоқлари орқали шу даражага етдим. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, шогирд устози услубини такрорламаслиги, аксинча, янги, ўз услубини топа билиши керак».



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



МИЛЛИЙ ҒОЯ

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЮТУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон халқи бу йил тарихий аҳамиятга молик воқеа — мустақилликнинг 20 йиллигини кенг нишонлайди. Мустақил тараққиёт йилларида барча соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар одамларнинг кўз ўнгиде, бевосита иштироки билан содир бўлмоқда. Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган ҳар бир инсон қайси қатламга мансублигидан қатъий назар эришилган ва эришилаётган натижаларни холисона баҳолаши, уларнинг моҳияти, унга асос бўлган омил ва шарт-шароитлар тўғрисида муайян хулосалар чиқариши табиий.

Ўзбекистон тараққиётида, унинг ўзига хос ва мос мустақил тараққиёт йўлидан бори-

шида миллий ғоянинг ишлаб чиқилгани ва унга таянилганлиги муҳим аҳамиятга эга

4-бет

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТАНЛОВ

НИЛУФАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

бўлди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг: "Бундан кейин биз ягона ҳукмрон бўлган коммунистик ғоя билан яшамаймиз. Ўзбекистоннинг ўз ғояси бўлади", деган концептуал, футурологик аҳамиятга эга бўлган амалий қарашлари мустақил тараққиёт йўлининг миллий ғоявий-мафкуравий асосларини белгилаб, туб ғоявий ўзгаришлар даврини бошлаб берди ва у оқилона амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш, халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидан бири бўлган устоз-шогирд аънавалари орқали амалий безак санъатини янада ривожлантириш, ушбу нозик хунарни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, миллий хунармандчилик йўналишида оилавий бизнесни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан..." республика кўрик-танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Мазкур кўрик-танловнинг Бухоро вилояти босқичида иштирокчиларнинг ўз касбига оид фикрларини ёзма баён қилиш қобилияти, энг қадимий ва энг замонавий бош кийимларни тавсифлаш маҳорати, кўҳна миллий хунармандчилик аънаваларини тиклаш борасидаги изланишлари, шогирдлар тайёрлашда эришган натижалари, шунингдек, тайёрлаган хунармандчилик маҳсулотларига баҳо берилди.

Барча шартлар бўйича ғолиб деб топилган когонлик Нилуфар Абдуллаева танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

5-бет

8 КЎЗГУ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ

ЖАРАЁНИДА ОАВ ФАОЛ ИШТИРОКЧИГА АЙЛНАДИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг ilk йилларидан демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Албатта, ўз олдимизга қўйган ушбу устувор стратегик мақсадни амалга ошириш борасида муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" муҳим дастуриламал бўлди. Бу борада етарли тажриба тўпланди. Натижада ҳозирги кунга келиб, амалга оширилган ишлар таҳлили ислохотлар жараёнини янги босқичга кўтариш лозимлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузаси жамиятимиз олдида турган навбатдаги устувор вазифаларни аниқ равшан белгилаш баробарида барча соҳалардаги ислохотлар жараёнини янги босқичини бошлаб берди.

2-бет

ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

КОНЦЕПЦИЯДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТАНКИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Юртбошимизнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" маърузасидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар олдида турган устувор вазифалар юзасидан барча ҳудудий партия ташкилотларида ўқув-семинарлар ташкил этмоқда.

Ана шундай ўқув-семинарнинг навбатдагиси ЎзМТДП

Тошкент вилояти Кенгаши томонидан ўтказилди. Унда

2-бет

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ПАРТИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Партия матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб вазифалари" маърузида ўқув-семинари ўтказилди.

Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Ижроия қўмиталари



деворининг жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислари, партия матбуот нашрининг ижодий ходимлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти тадқиқотчилари, Ўзбекистон Мил-

лий университети журналистика факультети "Оммавий алоқалар ва реклама" кафедраси ўқитувчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

3-бет



МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИДИР

Ўтган 20 йил мобайнида халқимизнинг, энг аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий фаолиги юксалиб бораётгани маънавий соҳасида эришилган ютуқларимиз самарасидир. Бундай ижобий ўзгаришлар бундан кейин ҳам давом этаверади. Булар ўз навбатида, бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустақам замин бўлиши муқаррар. Чунки маънавияти юксак халқ қудратли ва энгилмасдир.

Бугун мустақилликни мустақамлаш ўз-ўзидан осон

бўлмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди ва исботлади. Ўтган

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий техник базаси тобора мустаҳкамлаб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттириляётгани ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ислом КАРИМОВ

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ

ЖАРАЁНИДА ОАВ ФАОЛ ИШТИРОКЧИГА АЙЛНАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ривожланиши, олиб борилаётган ислохотлар муваффақияти ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга ошиши кўп жihatдан ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини фуқаролар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирадиган минбарга айлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолар масалаларни ҳал этиш" муҳим масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан Концепцияда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, бу борада бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Сир эмас, ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг салоҳияти унинг нечоғли ахборотга эгалиги, ахборот тизимини қай тарзда йўлга қўйгани билан белгиланади. Шу билан бирга, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар қандай фикрлар ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституцияимизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, ҳар қандай ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" - ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида" - ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" - ги бир қатор қонун билан кафолатланган. Яъни оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг очик-ошкоруралигини таъминлаш, медиа мақома илғор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва қўллаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бораси-

да амалга ошириляётган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Зеро, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос ўрни ва роли бор. Шу боис муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида" ги Қонунни қабул қилиш ҳамда соҳага оид бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди.

Шунингдек, Концепцияда тақлиф этилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида" ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида" ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидagi ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ руёбга чиқаришга ёрдам беради.

Модомки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутар экан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий маъмуриятимиз сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситалари эришган юқини ҳамда мезонлар даражасига қўтаришда фаол иштирок этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Зеро, ушбу Концепция миллий давлатчилигимизнинг ривожланишида муҳим дастуриламал бўлиб қолади. Хусусан, демократик кадрларни ҳўлга татиб этиш, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида чукурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларининг таъминланишини кафолатлаш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш каби муҳим тамойилларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан муҳтарам Президентимиз тақдим этган Концепцияда аниқ кўрсатилган қатор қонунчилик ташаббуслари фракцияимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Бундан албатта, ўз куч ва имкониятиимизни мазкур Концепцияни амалга ошириш учун сафарбар этишимиз лозим бўлади.

С. ЁРМАТОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси А. Турсунов маъруза қилди. Нотиқ ўз маърузасида Концепцияда илгари сурилган устувор вазифалар, партия сайловотида Ҳаракат дастури ва уставидан келиб чиққан ҳолда ўтган вақт мобайнида вилот партия ташкилотларида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида тахлилий-танқидий фикр-мулоҳазаларини билдириб, жумладан, шундай деди:

— Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш йўлида тараққийимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди. Президентимиз маърузасида мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизга ҳолисона баҳо берилди, қўлга киритилган юксак марраларимиз ҳар томонлама тахлил этилди, мамлакатимизни босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри экани ва бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятимиз тараққийоти борасида белгиланган мақсад-муддаоларни ҳаётга жорий этишда мазкур Концепция биз учун дастуриламал бўлиши керак. Зеро, бугун партияимиз ўз олдига аҳамияти жиҳатдан жуда муҳим ва кенг қўламли вазифаларни қўймоқда. Концепцияда илгари сурилган ва-



ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

КОНЦЕПЦИЯДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТАНҚИДИЙ ТАХЛИЛ ЭТИЛДИ

зифаларни амалга оширишда, аҳоли орасига эркин кириб боришда партияимизнинг ҳар бир фаоли ва барча даражадаги депутатлари елкасига алоҳида маъсулият юкланмоқда. Шу нуқтаи назардан сайловотида ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларимизни босқичма-босқич ҳал этиб бориш, жамоатчилик фикрини эшитиш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолигини ошириш, улар электорат манфаатлари юзасидан партия мақсад ва вазифалари саналмиш миллий кадрият, урф-одат ва аъналаримизни мафкуравий, маънавий-маърифий ғояларимизга узвий боғлаган ҳолда иш юри-

тишлари лозим. Таъкидланганидек, жорий йилда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилиши кўзланмоқда. Шаҳар ва туман партия ташкилотларига етакчи мутахассислар учун алоҳида шатлар ажратилиши БПТ фаолиятини йўлга қўйишда янги имкониятларни яратди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифа ва ғоялар Ватанимиз, халқимиз манфаатларига, шунингдек, миллий тикланиш мафкурасига хизмат қилишини ҳисобга олсак, шундан келиб чиқиб партия ўзининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши зарур. Умуман, партияларга берилётган ваколат, имконият ва юксак маком борадан янгича дунёқарашни талаб қилмоқда. Зеро, барча партия аъзолари Ватанимиз тақдири ва келажакига дахлдор бундай улкан масъулиятга вазифаларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши лозим. Шу боис, партия фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, сиёсий ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараш ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйига ола биладиган етуқ кадрлар захирасини вужудга келтириш, унинг мафкураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакл-

лантиришга қаратилган ишларни амалга оширишимиз зарур. Семинар иштирокчилари бу каби ўқув-семинарларнинг долзарблигини таъкидлаб, сиёсий партиялар мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ва киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим роль ўйнашини эътироф этдилар.

Мунира ҚОРИЕВА,
ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати:
— Давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамия-



Эргаш ХҲЖАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТАНҚИДИЙ ТАХЛИЛ

ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ

ЖАМИЯТ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИШИ ЛОЗИМ

Бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган ислохотлар сиёсий партиялардан янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этмоқда.

Маълумки, сиёсий партияларни бир-бирдан ажратиб турадиган омил — бу ғоя, мафкура, мақсад ва вазифадир. Булар эса ўз навбатида партиялар дастурида акс этади. Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар эмин-эркин ва мустақил равишда фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий, иқтисодий имкониятлар яратилган. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётини қарорлар қабул қилишдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш ҳамда масъулиятини ошириди.

Демократик жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари гоя ва қарашларини сиёсий партиялар ифода этар экан, албатта, бунда фикрлар хилма-хиллиги бўлиши табиий ҳол.

Шу боис бугунги вазиятга назар солсак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия дастурлари, танлаган йўли ва электорати бир-бирдан фарқ қилишини кузатишимиз мумкин.

Чирокчи Қашқадарё вилоятида аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатдан ййрик туманлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги каби туманда ҳам барча соҳаларда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий йўналишларда қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Эътиборлиси, мазкур жараён тўхтовсиз давом этмоқда.

Хўш, туман миқёсида амалга ошириляётган бундай кенг қўламли ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлаяпти? Туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, хунармандлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинмоқда? Ҳудудда барча тарихий обида-

лар қайта таъмирдан чиқарилиб, ободонлаштирилди? Ҳуқуқий соҳадаги ишларчи, бугунги кун талабига жавоб берадими? Маълумотларга қўра, Чирокчи туман кенгашига ЎзХДПдан 14 нафар, ЎзЛиДеПдан 8 нафар, ЎзМТДПдан 5 нафар, "Адолат" СДПдан 3 нафар депутат сайланган ва тўрттала партиянинг ҳам депутатлик гуруҳлари тузилган. Маълумки, ЎзХДП мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ЎзЛиДеП тадбиркорлар, ЎзМТДП зиёлилар, хунармандлар манфаатларини ҳамда "Адолат" СДП ҳуқуқий адолатли жамият қуриш тарафдори сифатида сиёсий майдонда кураш олиб бормоқда. Хўш, улар туманда ўз электорати манфаатларини қай даражада ҳимоя қила олаяпти? Партия электорати ҳуқуқлари, истаклари ва кизиқишлари нечоғлики инobatга олинапти? Амалга оширилган салмоқли ижобий ишлар билан бир қаторда мазкур туманда ҳал қилиниши лозим бўлган талаб масалалар, муаммолар мавжудлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Афсуски, бу муаммолар ечим бўйича депутатлик гуруҳлари зарур ташаббус кўрсатишмаяпти.

Албатта, сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги депутатлик бирлашмалари

ўртасида ўзаро рақобат, соғлом кураш бўлиши лозим. Лекин яна бир нарсани унутмаслигимиз зарурки, баъзи бир муаммоларни ҳал қилишда нафақат биз бир-биримизга қарши фикр билдиришимиз, шу билан бирга кучларни бирлаштириб бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат ҳам қилишимиз керак. Ваҳоланки, ишимизни яхшилаш, фаолиятимизни янада кучайтириш учун ушбу тажриба ҳам қўл келиши шубҳасиз.

Сиёсий партиялар ўртаси-

Албатта, сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги депутатлик бирлашмалари ўртасида ўзаро рақобат, соғлом кураш бўлиши зарур.

даги ўзаро соғлом рақобат ҳақида гапирганимизда уларнинг электорат учун курашига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етуқликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак". Бу борада маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг

ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, улар қабул қилинаётган қонунлар ижроси ва ўз электоратини ўйлантираётган масалаларга жойлардаги ҳокимлар эътиборини қаратиши учун етарли ҳуқуқий ваколатлар яратилган. Лекин, мавжуд муаммоларни туман Кенгаши сессиялари кун тартибига қўйишдан кўра жим туришни афзал кўрмоқда. Хўш, нима сабабдан депутатларимиз муаммоларга ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдирмаяпти? Депутатлик назорати олма-япти? Қуруқ тортишувлардан кўра ана шу саволлар сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро баҳслар мавзуси бўлиши керак эмасми?

Бизнингча, улар баъзида жойлардаги ҳокимликлар ол-

дига масалаларни кескин қўйишда истиҳода қилишса, баъзида ташаббускорлик етишмаяпти. Айрим ҳолларда эса депутатлик гуруҳларининг аниқ иш режаси, масалалар конструктив ёндашуви, мустақил нуқтаи-назари, муқобил қарор лойиҳаси йўқ. Вақт, зармон, сайловчи кутиб турмайди. Сиёсий партия ва уларнинг депутатлик гуруҳлари давр билан ҳамнафас бўлиши учун, ўз фаолиятларини тубдан кучайтиришлари зарур.

Қамолддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР



ПАРТИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Эътиборлиси, мазкур жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида белгиланган ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш, партия ҳудудий ташкилотларининг жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар малакасини ошириш, ЎзМТДП гоёси, мафкураси ва дастурий мақсадларини матбуотда ёритишнинг долзарб ва замонавий усулларидан хабардор этиш мақсадида ташкил этилди.

Ўқув-семинарни очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилгани, ахборот соҳасининг самарали фаолият юритиши учун ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳамда давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияда илгари сурилган мазкур соҳага оид янги қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳияти, уларни ҳаёта татбиқ этиш борасидаги вазифаларга эътибор қаратди.

Бугунги воқелик сиёсий партиялар нашри сиёсий партиялар фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш, уларнинг дастур ва гоёлари,

мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш, партия электорати сафини янада кенгайтиришнинг муҳим ва ягона воситасига айланганини кўрсатмоқда. Шундай экан, сиёсий партиялар бундай имкониятдан самарали фойдаланишлари лозим.

Дастлаб, "Ахборот соҳасини ислох қилиш, сўз эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ш.Деҳқонов маъруза қилди. Нотик Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Концепциянинг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишига батафсил тўхталиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлашда партия ҳудудий ташкилотлари қошида ташкил этилган жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлимининг ўрни ва ролига алоҳида тўхталиб ўтди.

Семинарда "ЎзМТДПнинг гоёси, мафкураси ва дастурий мақсадларини ОАВда ёритишнинг долзарб масалалари ва замонавий усуллари" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари кўшма йиғилишидаги маърузасини чуқур ўрганиш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги ислохотлар жараёни партияимиз олдида ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим ва кенг қамровли вазифалар қўймоқда. Зеро, мустақиллик боис халқимиз онги ва тафаккурда жуда чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, муҳтарам Юртбошимиз тақдим этган Концепция бу борада амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтарди. Буни ҳар биримиз фаолиятимизда, ишимизда кўриб, сезиб, бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, ЎзМТДПнинг гоёси, мафкураси ва дастурий мақсадлари юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнига ҳамоҳанг бўлишига интилишимиз зарур. Таъкидлаш лозимки, илгари ЎзМТДП тизимида ОАВ билан ишлаш бевосита мафкура бўлими зим-

масига юкланган эди. Ўтган йилдан бошлаб партия Марказий Кенгаши қарори билан алоҳида жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Эндиликда ушбу соҳа вакиллари билан ишлаш бўлими ҳар бир партия ташкилотларимизда ҳодимларимиз бор. Ҳозирда партия гоё ва мақсадларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида, ЎзМТДП дастурий мақсадларини кенг оммага етказишда жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ўқув-семинар иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган "Партия матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб вазифалари", "Миллий тикланиш газетаси ва партия виллоятлар Кенгашларининг матбуот хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг муаммо ва истиқболлари", "Пресс-релиз: у қандай ёзилади?", "Матбуот хизматлари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ОАВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий мезонлари", "Партия фаолиятида PR технологияларидан фойдаланиш усуллари", "Сиёсий партия веб-сайти ва матбуот нашри учун материаллар тайёрлаш технологияси" каби мавзулардаги маърузалар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда "Миллий тикланиш" газетаси берилётган ҳар бир материалнинг ЎзМТДП дастури, гоёси, мақсад ва вазифалари тарғиботи ёки амалиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда ёритиш принципига амал қилмоқда. Бу борада ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар яқиндан кўмаклашмоқда. Яъни ҳар бир сонда иккита, ҳеч бўлмаганда битта депутатнинг чиқиши бериб борилади. Лекин ҳозирча бундай фаолият ҳеч бўлмаганда битта депутатнинг чиқиши бериб борилади. Лекин ҳозирча бундай фаолият ҳеч бўлмаганда битта депутатнинг чиқиши бериб борилади.

Семинарда маърузачилар томонидан "Миллий тикланиш" газетаси ва партия маҳаллий Кенгашлари матбуот хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи атрофича таҳлил этилди. Бунда уч жиҳат, яъни ЎзМТДПнинг жойлардаги жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими мутахассислари томонидан газетани узатилаётган материалларнинг тезкорлиги, сифати, сони ва миқдорига эътибор қаратилди.

Ғайрат ЭРНАЗАРОВ, ЎзМТДП Сирдарё виллоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонӣ жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси:

— Мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, депутатларнинг қонун ташаббусларига, мавжуд сиёсий партиялар фаолиятини кенг жамоатчиликка етказишда партия нашрлари, хусусан, матбуот хизматларида фаолият олиб бораётган журналистларнинг ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис бугун сиёсий партиялар ҳудудий Кенгашларида хизмат қилаётган матбуот котибларининг билим ва кўникмаларини юксалтириш, ташаббусларини ошириш, эркин фаолият олиб боришлари учун кенгроқ имкониятлар яратиш долзарб масалалардан биридир.

Семинар давомида фаолиятимизга доир мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан, партия Платформаси ва дастуридан келиб чиқиб, миллий кадрият ва аъналаримизга ҳамоҳанг фаолият олиб боришимиз, танқидий-таҳлилий мақолалар билан мунтазам иш-тироқ этишимиз лозимлиги таъкидланди. Бу каби ўқув-семинарлар кўпроқ ўтказилса, партия матбуот хизматлари аҳамияти, таъсир доираси янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Камола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон виллоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонӣ жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси:

— Партия мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишда ОАВнинг аҳамияти катта. Демак, бугун партияимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатишдир. Семинарда депутатларимиз ва мутахассислар маърузаларини тинглаб, бу йўналишдаги фаолиятимизни янада мустақкам-томонидан "Миллий тикланиш" газетаси ва партия маҳаллий Кенгашлари матбуот хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи атрофича таҳлил этилди. Бунда уч жиҳат, яъни ЎзМТДПнинг жойлардаги жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими мутахассислари томонидан газетани узатилаётган материалларнинг тезкорлиги, сифати, сони ва миқдорига эътибор қаратилди.

Ўралоӣ ТУРДИЕВА, ЎзМТДП Навоӣ виллоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонӣ жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси:

— ЎзМТДПнинг матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб вазифаларига бағишланган мазкур ўқув-семинар жойлардаги партия ташкилотларида фаолият юритаётган жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш йўналиши етакчи мутахассислари учун дастуриламал бўлди, десам муболага бўлмайдди. Очик мулоқот ва баҳс-мунозараларга бой тарзда кенг семинарда фаолиятимизнинг уқулчи томонлари ҳам, йўл кўйлаётган ҳато ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди. ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири Ж.Сафоевнинг "ЎзМТДПнинг гоёси, мафкураси ва дастурий мақсадларини ОАВда ёритишнинг долзарб масалалари ва замонавий усуллари" мавзусидаги маърузасида кўрсатиб ўтилганидек, газетанда, инсон қалби, онгу шуурига таъсир қила оладиган, асл миллийлигимиз кадрланган материаллар ҳамда жойлардаги партия фаолиятлари ва депутатларнинг чиқишларини кўпроқ ташкил қилсак ижобий самара беради.

Камолӣддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



ҚУЙИ БЎҒИН

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

қайта қуришимиз лозим. Партия гоё ва мақсадларини тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг омма орасидаги нуфузини ошириш бизлардан кучли сиёсий билим ва фаоллики талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишнинг қуйи ва энг муҳим бўғини бўлган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан

лиятимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Партияимиз фаоллари ушбу қонунни чуқур ўрганиб, англаб етишлари ва унинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқликлари зарур. Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан 2011 йилнинг "Худудий бошланғич партия ташкилотлари йили" деб номланиши ва "Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши",

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ ОМИЛДИР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Қорақалпоғистон "Олтин мерос" жамғармаси ва "Кеуйл нури" хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Кўк қўйлак — халқим фахри" мавзусида либослар кўргазмаси намойиш этилди.

Истиқлол йилларида миллий маънавиятимиз, маданият, қадрият, аънава ва урф-одатларимиз қайта тикланди, ривожланмоқда. Тадбир иштирокчилари қорақалпоқ аёлларининг миллий тўй либослари ҳисобланмиш кўк қўйлакнинг тарихий ўтмиши, ҳозирда сақланиб қолган мавжуд 4 нусхаси асосида уни қайта тиклаш миллий маънавиятимиз, урф-одат ва қадриятларимизнинг янада сайқаланиши, келажак авлодларда Ватанга муҳаббат, халқига садоқат каби эзгу фазилатларнинг туғилишига кўмаклашиш имкониятини яратишини эътироф этилди. Кўк қўйлак тарихи ва унинг ҳар бир безаги рамзий маъно англатиши, унга миллий қадриятлар асосида замонавий тус бериш лозимлиги таъкидланди.

Кўргазма доирасида иштирокчиларга концерт дастури намойиш этилди.

БУХОРО

ЎзМТДП Пешку туман Кенгаши мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Биз учун ягона ва устувор мақсад Ўзбекистон манфаати" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, партия "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими ходимлари, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ф.Узоқов сўзга чиқиб, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳалар ривожланиш сари юз тутгани, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани, халқимизнинг азалий қадрият, аънава ва урф-одатлари қайта тикланганлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастури асосида ўтказилаётган тадбирларда фуқаролар, хусусан, ёшлар онгига Ватанпарварлик, халқига садоқатли фарзанд бўлиш каби туйғулари, миллий мафкура, қадрият ва урф-одатларимизга асосида сингдиришга кўмаклашиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши ва шаҳар хотин-қизлар Кўмитаси ҳамкорлигида "Аёллар маънавияти-баркамол авлод тарбиясининг муҳим омил" мавзусида тадбир ўтказилди. ЎзМТДП шаҳар Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, МФЙларининг диний маърифий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари иштирокидаги мазкур тадбирда партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизларнинг жамият ривожига тугган ўрни, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Оилаларда бола тарбияси, ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб вояга етказиш, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини фарзандларимизга етказишда аёллар зиммасида катта масъулият мавжудлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан тайёрланган мавзуга оид сахна кўриниши намойиш этилди.

САМАРҚАНД

ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши ҳамкорлигида "Учкун", "Ситора" болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида болаларнинг ёзги таътил вақтларини мазмунли ва намунали тарзда ўтказиш мақсадида юртимизнинг таниқли инсонлари билан учрашув ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими мутасадди ходимлари, партия "Ёшлар қаноти" ва "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши фаоллари, расомлар, ёзувчи-шоирлар ҳамда таниқли санъаткорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини аҳолига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий, маданий дунёқарашини юксалтиришда бой тарихий меросимиз, улуғ аجدодлардан қолган маънавий бойликларни уларга ўргатишда таниқли санъат усталари, ёзувчи-шоирларнинг асарлари ҳамда ҳаётий тажрибалари билан яқиндан таништириш ЎзМТДПда яхши аънава тусини олганлиги ва буни олис кишлоқ ҳамда овулларда тадбиқ этиш лозимлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Учрашув доирасида оромгоҳда дам олувчилар ўртасида шашка, шахмат ва стол тенниси каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, гоиларга тадбир ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё туман Кенгашида БПТлар фаолиятини жонлантириш, мазкур бўғиннинг партия электорати ва хайрихоҳлари билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, партия ташкилоти етакчилари ва фаоллари малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 17 та бошланғич партия ташкилоти самарали фаолият кўрсатмоқда. 24-умумтаълим мактаби қошидаги бошланғич партия ташкилоти улар орасида намуналиларидан бири ҳисобланади. Яқинда ушбу таълим муассасасида "Бошланғич партия ташкилотлари — асосий таянчимиз" мавзусида амалий ўқув-семинар ўтказилди. Унда туман Кенгаши аъзолари, БПТ етакчилари ва маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар қатнашди.

Анорбой НОРКУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

МАЪНАВИЯТ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чунки ўзлимизни англаш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек саодатга эришиш мамлакатимиз ахли учун осон кечмаганини англамоғимиз лозим. Бундай дамларда одамларимиз шукроналик билан, келажакка умид билан юксак маънавият намунасини кўрсатиб яшаганлиги туйғулган кўнрақлар сари илдамламоқдамиз.

Янгиланишлар билан боғлиқ йўналишлардан бири маънавий ва маърифий соҳада эришган ютуқларимиз бўлди. Ортимизда қолган 20 йил ўзининг бетақдорлиги ва жозибадорлиги билан ёдимизда қолди. Бу соҳадаги эришган ютуқларимизни энг аҳамиятли ва салмоқлирини сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, сўнгги йиллар ичида маънавий қадриятларимиз тўлиқ тикланди, унинг ривож учун замин яратилди, ўзлимизни англадик. Бунга алоҳида урғу беришимизга сабаб, кечаги тоталитар даврда барча қадриятларимиз деярли унутилган, ҳарқадоридигилари эса эскилик сарқити дея қораланди. Бундай шароитда мустақил миллат сифатида миллий қадриятларимизнинг тикланиши, ўзликни англаш масаласи, унинг қадрига етиб яшаш тўғрисида улғу саодат бўлмас керак, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, эскилик сарқити ёхуд хурофот сифатида қоралangan муқаддас динимиз тикланди. Диний қадриятларимиз ҳам бошқа қадриятлар сингари эъзоз топди, диний мутафаккирларимизнинг, азиз-авлиёлариимизнинг номи тикланди, зиёратгоҳлар муқаддас жой сифатида одамларимизнинг эътиборига тушди. Қуръони Карим, Ҳадиси шариф сингари диний китобларни оқимизда ўқишдек саодатга муяссар бўлди. Ислоҳ динининг асл маъно ва моҳиятини англаб, одамлар қалбида иймон, диёнат каби туйғулар шаклланди.

Учинчидан, унутилган тарихимиз тикланди. Буюк аждодларимизнинг номи улуғланиб, уларнинг ҳақон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссалари дунё

ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Энг муҳими уларнинг номлари покланди. Миллий давлатчилигимизнинг асосчиси Амир Темур бобомизни англадик. Унинг асл қиёфаси, кимлигини билдик. Миллатимиз миллат сифатида ўз қадр-қимматини топди.

Тўртинчидан, маънавий ва мафкуравий мустақилликка эришдик. Бу борадаги тафаккур тарзимиз ўзгарди. Фикрлар хилма-хиллигига эришдик. Олдин қандай фикрла деса, шундай фикрлашга мажбур эдик. Чунки, собиқ мафкурадан бошқа гапни айтиш ва мос равишда бошқача ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Энди маънавий қарамликдан қутилдик, десак ҳеч қандай муволафа бўлмайди.

Бешинчидан, инсон шаъни тикланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ижодкорлар она тилимизда ижод қилишдек бахтга мушарраф бўлишди. Бу тил оддий оилавий тилдан илм-фан тили, иш юриши ва дипломатик алоқаларда қўлланиладиган том маънодаги давлат тили даражасига кўтарилди. Рус тилини билмаган кишиларимиз оқ тилида қанча билимга эга бўлишдан қатъи назар "саводсиз" деган тамгадан қутулди.

Олтинчидан, тўйларимиз тўйда, таъзияларимиз таъзиядай, бошқа миллий маросимларимиз ҳам аъёнларга хос тарзда ўтмоқда. Яшаш тарзимизда миллийлик сари интилиш, буррилиш рўй берди. Миллийлик сари юриш бошланди, десак хато бўлмайди, "бизники", деган умумий ақидадан "меники" деган ақидага ўтилди. Биз жаҳонни таний бошладик. Бизни эса жаҳон аллақачон таниб улгурди ва Ўзбекистон деган мустақил давлат борлигини бутун дунё англаб етди. Дунёнинг барча давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Улар билан тенглар ичра тенг бўлиб музокара ва муносабатларни олиб бормоқдамиз.

Еттинчидан, инсон капиталига катта аҳамият бериладиган бўлди. Болаларимизнинг маънавий баркамол, жисмонан бақувват ва интеллектуал етуқ, билимли бўлишини таъминлаш борасида мисли кўрилмаган

ишлар амалга оширилди.

Саккизинчидан, улуксиз таълим тизими жорий қилинди, унинг барча босқичлари моддий-техник базаси шакллантирилди, ўқитишнинг янги сифат босқичига ўтилди ва у босқичлар билан академик лицейлар барпо қилинди. Ҳар бир ёш умумий ўрта таълим билан бирга бирорта касбни эгаллаш имкониятига эга бўлди. Бу ҳам замонавий талабларга мослаштирилган ҳолда улуксиз таъминлаштирилиб борилмоқда.

Тўққизинчидан, олий таълимнинг икки босқичли тизими (бакалаврият ва магистратура) ташкил топди. Таълимдаги янги йўналиш — касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар барпо қилинди. Ҳар бир ёш умумий ўрта таълим билан бирга бирорта касбни эгаллаш имкониятига эга бўлди. Бу ҳам замонавий талабларга мослаштирилган ҳолда улуксиз таъминлаштирилиб борилмоқда.

Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин эди. Чунки давлат қурилиши ва сиёсатидаги ўзгаришларни оласизми, банк соҳасидаги ислохотларни оласизми, молия бозорининг вужуд қилиши ва ривожланишини оласизми, одамларнинг тадбиркорлик соҳасидаги эришган ютуқларини оласизми, маънавий-маърифий соҳадаги ўзгаришларни оласизми, ҳамма-ҳаммаси ўзимизга хос равишда шаклланди ва ривож топмоқда.

Таҳлиллар шунга кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг пировард мақсади халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўйбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиш, пировардида одамларимизнинг яшаш сифатини ошириш каби муҳим ҳаётий тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Президентимиз, "Мана шу ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажакимиз пойдеворини ўз қўли-

миз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос бўлади", деб таъкидлаган эди. Мамлакат раҳбарининг бу сўзлари биз ҳеч қимдан кам эмаслигимизни, ўз тараққиёт йўлимиздан собитқадамлик билан бораётганимизни, белгилаб олинган стратегик йўлимиз тўғри эканлигини далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва давлат қурилишидаги ислохотлар, мамлакатдаги таркибий ўзгаришлар "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажиги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга оширишга қаратилган. Бу масалалар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши тайин. Иқтисодиётни юксалтириш бўйича қилинган чора-тадбирлар ҳам шу тамойил билан яшашга қаратилган. Айниқса, иқтисодиётни модернизация қилиш, хориз инвестицияларини ўзлаштиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли илҳол ислохотлар ҳам инсонни камолот топтиришда, жамиятнинг келажакини шакллантиришда ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодий муаммолар билан бирга, энг мураккаб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири маънавий-маърифий ва мафкуравий соҳадаги масалалар эканлигини бот-бот таъкидлаб келади. Бу борада ҳам анча-мунча ютуқларга эришдик. Аммо халқимизга мустақиллик шунчаки совға сифатида берилмаган. Унга Президентимизнинг маънавий жасорати, изчил ва одилона сиёсати туйғулари эришилди. Шу боис, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз асрларга татигулик ютуқларга бой бўлди, десак муволафа бўлмайди.

Маманон ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг профессори, иқтисод фанлари доктори, Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Миллий мато — адрас тўқувчи марғилолик Маълуда Аҳмадалиева.

МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

ТҲЙЛАРИМИЗ

МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МОСМИ?

Инсон ҳаётидаги унутилмас, гўзал хотиралардан бири тўйдир. У муайян шахс ҳаётидаги хусусий тадбиргина бўлиб қолмай, ижтимоий аҳамиятга молик муҳим жараёнлар. Мазкур тадбир, энг аввало, миллий қадриятларимизга таяниб, анъаналаримиздан самарали фойдаланган ҳолда, қўйинг-ки, замон талаблари асосида маънавий-тарбиявий жиҳатига кўпроқ эътибор бериб уюштирилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳар бир миллат ўзининг урф-одатларига эгалиги ва унга амал қилиши билан ажралиб туради. Азалий қадриятларимиз, миллий урф-одат ва таомилларга кўра тўй қилиш нафақат тўй эгаларига, балки маҳалла-қўй, маҳалланинг пири бадавлат отахонлари-ю, қайовни отахонларига ҳам боғлиқ.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва мазмунли ўтказиш тўғрисидаги Фармоннинг ўрни беқийёс. Фармон талабларидан келиб чиқиб, тўй ва маросимларни дабдабасиз, камчилик, маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос ҳолда ўтказиш бўйича жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, республикамизнинг барча ҳудудларида, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллаларида тўй ва маросимларни ўтказиш маданиятини ошириш, ёшларимиз оғи ва тарбиясида салбий таъсир кўрсатувчи иллатларга барҳам бериш, қадриятларимизни улғулаш ва юксак маънавий-ахлоқий мезонларни тарғиб этиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқарув раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиева шундай дейди:

— Юртбошимиз томонидан тўйлар ҳақидаги Фармон қабул қилинганидан сўнг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида "Тўй ва маросимларни ўтказиш комиссиялари" фаолияти ташкил этилди. Бундан ташқари, "Маҳалла" жамғармаси ва хотин-қизлар кўмитасининг Республикада тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам билан бирга айрим камчиликларимиз ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Афсуски, ҳали ҳам шухратпарастлик, манманликка берилган айрим юртдошларимиз масаланинг туб моҳиятини тушуниб етишмаяпти.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилганимиздек, олиб борилаётган чора-тадбирларга эътиборсиз қараётган инсонлар ҳам учраб туради. Улар тўй ва маросимларни фақат ўзларини кўз-кўз қилиш учунгина ўтказишмоқда. Маҳалла фаоллари, жамоатчиликнинг фикри уларни мутлақо қизиқтирмайди. Бундайлар учун дабдаба муҳимроқ. Бу ҳолат аҳоли ўртасида норозилик, тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.

Шу ўринда пойтахтимиздаги

бўлиб, унга кўра шу вақтгача ўтказиб келинган кўпгаб тадбирлар, бериладиган тўёна ва сарполар микдори кескин қисқартирилди. Ҳозирда ушбу нишон қайта кўриб чиқилиб, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгариштириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, тўй-ҳашамларни тартибли равишда ўтказиш, ортиқча дабдабозликка йўл қўймаслик тўғрисида Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2009 йил 2 майдаги фармоиши қабул қилиниб, унга кўра вилоятда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурда тўй-маърака ва оилавий тадбирларни ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилди. Мазкур қарорда тўй даврасини олиб боровчи, хонанда ва раққосаларнинг маънавий мезонларидан чиқмасликлари, арзимас бўлиб туолса-да, аммо маънавиятимизга зарар етказадиган салбий иллатлар ҳақида ҳам сўз боради.

Шунингдек, жамғарма жойларда ҳам бўлиб, аҳоли ўртасида шахсий эҳтиёжларидан ортган маблағларни хайр-эҳсон қилиш, мурувват кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам бериш, етимларнинг бошини силаш, тўйларини ўтказиб бериш, турар-жойлар, йўлларни обод қилиш каби тадбирларга сарфлашни ижтимоий ҳақда маънавий аҳамияти хусусида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимизда ижобий натижаларга эришиш билан бирга айрим камчиликларимиз ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Афсуски, ҳали ҳам шухратпарастлик, манманликка берилган айрим юртдошларимиз масаланинг туб моҳиятини тушуниб етишмаяпти.

Шундай экан, тоғганимизни тўйга ишлатиш бораборида, бошқа орзу-умидларни рўйбга чиқариш, юртимизни янада ривожлантириш учун фарзандларимизни соғлом бўлишига, билим олишига кўпроқ эътибор қаратишни ҳам унутмайлик.

"Қумарик" маҳалласи фаоли Холда аянинг фикрларига қўлоқ тутайлик: «Бир оила ўз фарзандини вояга етказиб, билим ва тарбия бериб, хонадонингизга узатади. Энди қиз бериб ҳам қирқ кун остонанингизга қатор-қатор сават ташиши миллий маънавиятимизга хос бўлмаган одат эмасми? Ахир, кечагина қиз чиқариб, харажатга ботган қўнғир аҳолини тушуниш. Зеро, қудачилик бир умрлик қариндошлиқдир. Сиз келиннингизга ва яқинларингизга қандай муносабатда бўсангиз, қизингиз борган хонадон сизнинг ҳам ахволингизни тушунадди, қадрилингизга етади».

Ҳа, тўйларимиз ортиқча ҳашамларсиз, қуда-андалар бир-бирини ўзаро тушунган ҳолда камчилик қилиб ўтказилса, бу келин-қувё, яъни ёшлар учун ҳам ибрат, меҳр-оқибат мактабини ўтади. Баъзан қудандалар ўртасида буюмга ўчлик, шухратпарастлик кетидан қувиш ҳаддан ташқари қучайиб кетади. Ахир, бир кунлик тўй ўтади-кетди. Бироқ, дабдабали тўй қиламан деб қарзқавола олган инсоннинг томошаси тўйдан кейин бошланади. Шундай эмасми?

ТОПГАНИМИЗ ТҲЙЛАРГА...

Халқимиз "Топганимиз тўйларга буюрсин" дейди. Тўғри, лекин бу йиллар давомида йиғиб-терганимизни дабдаба, ҳашаматга берилиб сарфлаш дегани эмас-ку. Бундан ташқари, бу ҳашамдорлик, бизнинг миллатимиз маънавиятига мос келармикан?

Бу борада Гулнора Йўлчиева шундай дейди:


— Тўй қиламан, деб азиз умрини пул йиғиш билан ўтказишдан не фойда? Бундан ўрнига шу маблагни соғлиқни тиклашга, фарзандлар тарбиясига, ўқишига сарфлаш афзал эмасми? Умр бўйи йиққан-терганини бир кунлик тўйга сарфлаб, камига қарздор бўлиб қолганимизнинг ижтимоий ҳақда маънавий аҳамияти хусусида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимизда ижобий натижаларга эришиш билан бирга айрим камчиликларимиз ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Афсуски, ҳали ҳам шухратпарастлик, манманликка берилган айрим юртдошларимиз масаланинг туб моҳиятини тушуниб етишмаяпти.

Шундай экан, тоғганимизни тўйга ишлатиш бораборида, бошқа орзу-умидларни рўйбга чиқариш, юртимизни янада ривожлантириш учун фарзандларимизни соғлом бўлишига, билим олишига кўпроқ эътибор қаратишни ҳам унутмайлик.

Дилфуза РҲЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ХУНАРМАНДЧИЛИК

ХУНАРЛИ ИНСОН ХОР БҲЛМАС



ми, доимо эл-юртга нафнингиз тегади.

Машрабхон қайнотасидан оқ фотиҳа олган хунармандчилик билан жиддий шуғуллана бошлади. Унинг қўлидан чиқётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари ўзининг жозибаси, пишиқ-пухталиги ва сифати билан киши эътиборини тортар ва буюртмалар ёғиларди. Қисқа фурсатда Машрабхон уста хунарманд сифатида доврўғ қозонди. Оилада фарзандлар туғилди. Уч ўғил, икки қиз дунёга келди. Ўғил-қизлар ҳам ёғоч ўйнатиб, болға, тешани ўйинчоқ қилиб вояга етди. Кейинчалик оила Сирдарёга кўчиб ўтади. Ая ҳалол меҳнати билан одамларнинг эътибори-

га тушади. Бу орада Ҳаётилла, Ҳамидулла, Хуршидбек, Фароғат, Малоҳатлар ҳам ота-онаси изидан бориб, уста хунарманд бўлиб етишдилар. Оилада икки хунармандлар томонидан тайёрланган бешик, сандиқ, хонтахта ва турли мебель маҳсулотларининг доврўғи хаттоки қўшни вилоятларга ҳам ёйилган. Айниқса, бешикларга талаб катта. Халқимиз болажон, серфарзанд, ували-жували. Тўй мавсумида оилавий хунармандларнинг қўли-қўлига тегмайди. Буюртмаларнинг ҳам кети узилмайди.

— Биз ясайдиган буюмларга ҳаммиса эҳтиёж бор. Айниқса, бешик, сандиқ ва хонтахтасиз ўзбек хондонларини тасаввур

қилиш қийин. Шунинг билан олган ҳолда ёғочдан ясаётган ҳар бир буюмин ёрқин ранглар ва нақшкор жилолар билан безатишга ҳаракат қилаёямиз. Сўхбатимиз жараёнида Машрабхон ая "устоз-шоғирд" аъёнларига содиқ қолган ҳолда яшаш турган маҳалласида ўзининг мактабин яратиб, 50 нафар ёшларга хунар сирларини ўргатаётганлигини алоҳида гурури билан таъкидлади. Ёшлар устозларидан миллий хунармандчилик сирларини кунт билан эгаллаб, унга муносиб воқислар бўлиш учун астойдил интилоқдалар.

— Раҳматлик қайнотам Қодир устанинг "Ҳали хунармандларнинг юзи ёруғ бўладиган замонлар ҳам келади" деган сўзлари ёдимдан чикмайди, дейди Машрабхон ая Каримова. — Мана ўша даврлар ҳам келди. Истиқлол туйғулари биз хунармандларнинг кўксига шамол теги. Ҳукуматимиз томонидан бизларга шарт-шароит, имкониятлар яратиб берилаёпти. Солиқдаги имтиёзлар, банк кредитлари бунга яққол мисолдир. Биз хунармандлар бундай гамҳўрликларга муносиб жавоб қайтаришга, эл-юрт фаровонлиги йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаммиса тайёрмиз.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Гулистон шахрида хунарманд аёл Машрабхон ая Каримовани танимаган одам йўқ. Машрабхон ая асли водийлик. У хунармандлар оиласига келиб бўлиб тушган. Қайнотаси Қодир аканинг етти авлоди ҳам хунарманд ўтган. Унинг ўзи ҳам шу соҳанинг ҳадисини олган, маҳалла-қўй уни "уста" деб чақиришар эди.

Машрабхоннинг турмуш ўртоғи Иброҳимжон ҳам соҳани мукамал эгаллаб олган. Отабоблар қўлидан чиққан бешик, хонтахта, стол-стул, дераза ва дарвозаларга талаб ҳаммиса юқори бўлган. Машрабхон қайнотаси ва турмуш ўртоғига тез-тез чой дамлаб келар ва уларнинг ҳаракатларини зийраклик билан кузатарди. Бу борада унда етарли малака пайдо бўлиб, аста-секин хунармандчиликни пухта ўзлаштириб олди. Ота-бола хунармандлар ҳордиқ чиқараётган пайтда пишиқ-пухта, меҳнаткаш келин уларнинг ишларини ниҳоятсига етказиб қўярди. Шу тариқа Машрабхон ҳам қўлигул хунармандлардан бирига айланди. Қайнотаси уни дуо қилиб, яхши тилаклар билдирарди.

— Хунари инсон асло хор бўлмайди қизим, - дерди Қодир уста. — Хонадони обод, турмуши фаровон бўлади. Энг муҳи-

ЖАРАЁН

● МУЛОҲАЗА

МАКТАБ МАТБУОТИ

КЕРАК...МИ?

Матбуот қанчалик ривожланмасин, газета ва журналларни чоп этиши нечоғлик ўсмасин, қуйи матбуот — деворий нашрларнинг ҳаёт учун, қайси ўқув даргоҳида чиқайтган бўлса ўша жамоа ҳаётида алоҳида ўрни ва вазифаси борлигини эсдан чиқара олмаймиз. Деворий нашрларни сифатли, ўқишли ва ранг-баранг қилиб чиқаришда тахририят аъзолари билан бир қаторда ўша жамоанинг ҳам муносиб ҳиссалари бўлмоғи лозим.

Маълумки, ўқув даргоҳидаги деворий нашрлар ҳам ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига, фанлардан пухта ўзлаштириши ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишига яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Шонли саналар ва муҳим кунларга бағишлаб чиқарилаётган деворий нашрларнинг ҳар жиҳатдан кўрам, таъсирчан, ўқишли ва безакли қилиб чиқарилиши кичкинтойларнинг диққат-этиборини тортмай қолмайди, албатта.

Синф деворий газетаси — ўқувчилар кўзгуси. Унда синф жамоасининг билими, хулқ-атвори, дунёқарши ва орзу-интилишлари ўз аксини топмоғи лозим. Газетага ўқувчиларнинг ёши, мақсад ва интилишлари ҳамда қизиқишларига қараб ном танлаш, уни мунтазам чиқариб бориш мақсадга мувофиқдир. Деворий нашрларнинг мундарижаси алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, мактаб ҳаёти, синфдан ва мактабдан ташқари олиб борилаётган турли тадбирлар тўғрисидаги хабарлар, ҳанда ва бошқа қизиқарли материаллар газетанинг таъсирчанлигини оширади.

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ўқув-тарбия ишларига эътибор кучайтирилиб, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий баркамоллигини шакллантириш, маданий савиясини ошириш мақсадида мактаб, синф, фан ва тўғрақ деворий газеталари тайёрланмоқда.

Биргина қуйи синфларда 30 га яқин ҳар хил деворий газеталар тайёрланмоқда. Айниқса, “Ўқувчилар овози” ҳамда “Аъло ўқиш ва намунали хулқ учун” номдаги деворий нашрлар етакчи газеталар ҳисобланиб, уларнинг таъсирчанлигини ошириш устида изланмоқдалар. Қуйи синфлар ўртасидаги “Бахтли болалик”, “Нихол”, “Настарин” каби деворий нашрлар ҳам асосий ҳисобланиб, қуйи синф ўқувчилари фаолияти тўла қамраб олинмоқда. Уларда тенгдошларига намунали ва фаол бўлган кичкинтойлар ҳақида хабарлар, ёш ижодкорларнинг шеър, ҳикоя ва чизган суратлари бериб бориламоқда. Юмор ва ханда бўлимида эса мавжуд айрим камчиликлар қаламга олинмапти. Бу каби қизиқарли материаллар деворий нашрлар таъсирчанлигини оширади, албатта.

Ўқув даргоҳида Мустақиллик куни, Наврўз байрами ва шу каби муҳим саналарга бағишланган деворий нашрлар ҳамда расмлар кўриқ-танловларининг уюштирилиши одат тусига айланиб қолган. Фолиб бўлган бошланғич синф ва иқтидорли ижодкорлар рағбатлантирилиб бориламоқда. Масалан, Элмурод Курбанов, Нилуфар Худойкулов, Гулбахор Абдухамидова кабилар ана шулар жумласидандир. 2010-2011 ўқув йили якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари қуйи олдидан танлов ўтказилиб, унда “Нихол”, “Саводхон” ва “Бахтли болалик” деворий нашрлари

алоҳида эътироф этилди. Ана шу нашрлар шаҳар мактаблари ўртасида ўтказилган кўриқ-танловда ҳам юқори баҳоланиб, ўқув даргоҳида кўп йиллик деворий нашрлар тахлами мавжуд бўлган маънавият ва маърифат музейига қўйилган.

Бошланғич синф педагог ва ўқувчилари ўқув йили давомида шаҳардаги бир қатор илм масканларида бўлиб, деворий нашрлар тахририят аъзолари билан мулоқотлар олиб боришди. Уларда айниқса, 1-, 10- ва 16-умумтаълим мактабларида чиқарилаётган деворий нашрлар яхши таассурот қолдириб, кўп нарса ўргандилар, ўзаро таъриба алмашдилар.

Одатда, деворий нашрларга бўлган эътибор ва рағбат қуйи синф ўқувчиларининг маънавий ва маърифий дунёси ҳамда касб-хунар эгаллашларига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди. Қолаверса, бўш вақтларининг ҳар жиҳатдан мазмунли ўтишини таъминлайди. Лекин ўқув даргоҳида чиқарилаётган айрим деворий нашрларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Баъзан сурат ва табриномаалардангина иборат бўлиб, деворий газета номи, санаси ва қачон чиқарилганлиги кўрсатилмаган бўлади. Ана шундай камчиликларнинг олди олинса, кичкинтойлар уни севиб ўқийди ва газеталар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашишга ҳаракат қилишади.


Бугунги кунда компьютер, факс, интернет сайти, электрон почта, видеотасма, уяли телефон каби воситалар дунёга кенг тарқалиб, деворий нашрларга бўлган эътиборни камайитирмоқда. Энди улар умрини яшаб бўлди, дегувчилар ҳам бор. Бундай фикрларга кўшилиб бўлмайди. Фикримизча, деворий газеталар ҳали яшashi керак.

Абдулла САИДОВ,
Халқ маорифи аълочиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, қадимий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борила-япти. Бу борада Бувайда туманида ҳам талай ижобий юмушлар бажарилди. Масалан, “Биби Убайда”, “Пошхопирим” ва “Султон Боязид Бистомий” каби тарихий обидалар бугун ўзининг янги даврини янги қиёфада бошлади, десак адашмаган бўламиз.

Бастомбува қишлоғининг тарихи узок ўтмишга, тахминан XI-XII асрларга бориб тақалади. Қишлоқнинг ўзига хос тарихи бор. У ўзининг уюм-уюм кум барханлари, шифобахш қайнар булақлари, сўлим, танни яйратувчи мусаффо ҳавоси билан довруғ қозонган, десак тўғри бўлади.

Икки оғиз ушбу зиёратгоҳ ҳақида: Султон Боязид Бистомий мақбарасининг бунёд этилиши Соҳибқирон Амир Темур даврига бориб тақалади. Бобомизнинг буйруғи билан 1400-1402 йилларда мақабара иккинчи бор бунёд этилган. Дастлабки 1110-1112 йилларда қурилган бўлиб, турли урушлар натижасида вайрон бўлган. Амир Темур буйруғи билан бунёд қилинган, яъни 600 йилдан буён “яшаб” келаётган меъморий ёдгорлик ҳозирги кунда қайта-



дан тикланиб, таъмирланди.



“БАСТОМБУВА”НИНГ ҚАЙНОҚ БУЛОҒИ

КЎПЧИЛИКНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛМОҚДА

дан тикланиб, таъмирланди.

Бастомбувада бундан бир неча йиллар аввал иссиқ маъданли сув манбаи топилиган. 1995 йилнинг март ойидан бошлаб, бу ерда “Бастомбува” сихатгоҳи ишга тушди. Олий тоифали шифокор Алиқўзи Исмоилов ана шундан бери ушбу сихатгоҳнинг бош шифокори вазифасида ишлаб келмоқда.

— Ҳарорати 68-70 даража иссиқ бўлган бу шифобахш сув 2600-2800 метр чуқурликдан чиқади, дейди биз билан суҳбатда бош шифокор А.Исмоилов. — Насос ишлатилмайди, табиий босим билан бир сонияда 5,7 литр шифобахш сув чиқади. Турли хил касалликларни даволашда бу сув ниҳоятда фойдалидир. Айниқса, ҳаракат аъзолари касалликлари, яъни ревматик полиартрит, бўғинлар ва суюқ яллиғланиши, мушакларда

бўладиган оғриқ, яра, периферия асаб тизими касалликлари, яъни радикулит, томир тортит қолиши, гинекологик касалликлар, аёллар бепуштлиги, тери касалликлари, яъни пўстлоқли темиртки, сурункали куруқ экзема каби дардларга даво топаётган беморларнинг хурсандчилигини кўришдан ортик бахт йўқ. Ана шу иссиқ сув манбаини қовлаш жараёнида 1000 метр чуқурликда Нарзан, Баржоми типидagi шифобахш сув борлиги аниқланган. Бу сув билан ошқозон-ичак, буйрак, жигар касалликларини даволаш мумкин. Айни пайтда ҳозирда ванна учун фойдаланилаётган маъданли сувни муайян ишловдан ўтказиш йўли билан ичишга мослаштириш ҳам мумкин.

Абдулазиз ота БОЙБОЕВ,
68 ёшда, Учкўпир тумани Курбонқашар қишлоғидан:

— 15 йилдан буён ҳар йили кампирим билан “Бастомбува” сихатгоҳига келаман. Мени оёқ ва бел оғриғи қийнайди. 10-15 кунги муолажа менга бир йилга етди, соғлом юраман. Алиқўзи барака топсин. Беморларга жуда ҳушмуомала. Таомлар ҳам жуда мазали. Барча ходимлар атрофимизда парвона. Ўзларининг ширин сўзлари билан дардимизга даво бўлишмоқда. Хоналари шинам, озода. Дам олиш, ювиниш хоналарининг борлиғи эса биздек қарияларга жуда маъқул. Шун-

данми, ҳар йили қанда қилмай даволаниб кетаман.

Саддинса ая
ЙИГИТЛИЕВА,
82 ёшда, Алимгерган қишлоғидан:

— Жуда кўп дам олиш масканларида бўлганман. “Бастомбува” ўзининг маъданли, иссиқ суви билан ажралиб туради. Сўлим боғлари, ҳавосининг тозаллиги ҳам бизга маъқул. Сихатгоҳда даволанувчилар ва уларни йўқлаб келадиганлар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга барча физотерапевтик муолажалар ҳам олиб борилади.

Алиқўзи ака ўз жамоаси билан даволанувчиларнинг кўнглини олиш учун доимо ҳаракатда. Ҳозирда бу ерда таъмирлаш ишлари ўз ниҳоясига етказилди. Энди бир вақтнинг ўзига 100 нафарга яқин бемор саломатлигини тиклаши мумкин. Дам олиш, ювиниш хоналари таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилди. Турфа хил гуллар, мевали боғлар эса баҳри дилинги очади.

Бастомбува қишлоғида бўлсангиз энгил руҳ, кўтаринки қайфият сизни қулғаб олади. Энг муҳими, дардингизга даво топасиз. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишганидек, Бастомбувага келган одам бунга амин бўлиши шубҳасиз.

Эркин ЙЎЛДОШ,
“Millyi tiklanish” муҳбири

● ДИҚҚАТ, ЯНГИ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида

“ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИ”

танлови ўтказилади.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга вояга етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири. Шу боис, танловда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг муносиб ворисларини ҳуқуқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, ушбу йўналишда кўрсатган фидойилиги, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошираётган ҳуқуқ тарғиботчиларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш бош мақсад қилиб олинган.

“Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” танловида республикамизнинг барча фуқаролари, мамлакатимизда яшаш гувоҳнома-сига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

Ҳолилар қуйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

— “Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун”;
— “Ёшлар орасидаги кенг қўламли ҳуқуқий тарғиботга қўшган ҳиссаси учун”;
— “Ҳуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун”;
— “Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилганлиги учун”;
— “Ҳуқуқий тарғиботни ташкил қилишдаги яқин ҳамкорлиги учун”;
— “Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси”;

Танловда қатнашиш истагини билдирган ҳар бир номзоднинг ҳужжатлари ва материаллари номзоди шайланган ёки ўқийдиган ташкилот ёки ўқув муассасаси томонидан ташкилий кўмитанинг ишчи органига расмий хат билан топширилади.

Хатга қуйидаги ҳужжатлар ва материаллар илова қилиниши лозим:

тегишли ташкилот ёки таълим муассасасининг тавсияси; номзоднинг паспорт нусха-

си ва анкетаси;

номзоднинг сўнги 2 йил мобайнидаги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борган ишлари ва алоҳида эришган ютуқлари (матбуотда чоп этилган ва веб-сайтларда эълон қилинган мақолалар, буклетлар, плакатлар, рисоалар, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар ҳамда ҳуқуқий тарғибот олиб борганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар).

Ҳужжатларни топширишининг охириги мuddати 25 июль.

Ҳолилар эсдалик нишонлари, дипломлар, статуеткалар, совринлар ва белгиланган миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланади.

Ҳолиб ва совриндорлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Кўшимча маълумот учун телефон: (998-71) 233-39-84, Факс: (998-71) 233-39-84, E-mail: press@minjust.gov.uz

● КОНФЕРЕНЦИЯ

ИСТИҚЛОЛ САМАРАЛАРИ — ФОТОАСАРЛАРДА

Тошкент Фотосуратлар уюмида “Ўзбек фотографияси тараққиёти ва истиқбол” мавзусида ижодий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Юртимизда фотография санъатини жадал равишда тупиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар замирида унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш истеъодларни аниқлаш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантиришдек эзгу мақсадлар мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент Фотосуратлар уюмининг барпо этилиши ҳамда мазкур ижодий ташкилот қошида фотография санъати мактаб-студияси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасида Фото-рассомлар шўъбасининг самарали фаолият кўрсатаётгани мазкур соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Конференцияда ўзбек фотографиясининг тарихи, шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналиши ҳамда тамойиллари, бадиий фотография равангига оид долзарб масалаларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, миллий фотожурналистикамизнинг муваффақиятлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференция доирасида мамлакатимиз фотоижодкорларининг мустақиллигимиз берган имкониятлар самараларини, барча жаҳалларда эришган улкан ютуқларимизни акс эттирувчи асарлардан иборат кўргазма намойиш этилди. Назоқат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

● ФАОЛИЯТ

КЎМАҚДОШЛИК ВАЗИФАМИЗ

“Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир”. Уни севиш, сарҳадларини кўз қорачигидек асраш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Ёшларнинг онгу шуурига ана шундай туйғуларни сингдиришда, йишларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ташкилот ёшларга автомобилларга техника хизмат кўрсатиш, уни моҳирона бошқаришни ўргатиб келади. Шунингдек, ёшларни спортнинг техник турлари, жумладан, дуатлон, картинг, ҳаволи милтиқдан ўқ отиш, авто кўпкураш сингари йўналишларда чиққтиради.

Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Қарши туман кенгаши ўқув спорт-техника клубида бўлганимизда ўқувчи-ёшлар учун барча шароитлар яратилганига шохид бўлдик. Йўл ҳаракати қондалари, шошилчан биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, автомобилнинг амалий бошқариш ёпиқ майдончаси ҳам бугунги кун талабларига кўра жиҳозланган.

— Клубда 20 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзоларимиз сони 228 нафарни ташкил этади, дейди кенгаш ўқув спорт техника клуби раҳбари Саидли Жалилов. — Ёшларимизнинг техник ва амалий спортга бўлган қизиқишлари секциялар иштирокчилари сонининг ортиб боришига асос бўлмоқда. Айни маҳалда ҳам дуатлон, картинг, ҳаволи милтиқдан нишонга олиш, авто кўпкураш бўлимлари машғулотларида 100 нафарга яқин ёшлар иштирок этмоқда. Ҳозирча натижалар ёмон эмас. Дуатлон спорт мусобақаси бўйича вилоят бириктирилганда туманимиз жамо-

аси фахрли 2-ўринга сазовор бўлди. Картинг бўйича эса Бухоро вилоятида ўтказилган Республика мусобақасида ҳам туманимиз жамоаси 3-ўринни эгаллади. Бу, албатта, жамоамизнинг зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда изланишлар олиб бораётганидан далолат беради. Дарҳақиқат, Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Қарши туман кенгаши вилоятдаги бошқа турдош ташкилотлар ўртасида ўз ўрнига эга. Буни халқ ҳўжалиги учун оммавий касбдаги ходимлар тайёрлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган 2010 йилда ушбу йўналишда 150 нафар мутахассис тайёрлаш лозим эди. Ҳақиқатда эса режа 187,5 фоизга бажарилди. Муҳими, ҳаётга йўлланма олаётган кадрлар иш жойларига ўзларига билдирилган ишончини шараф билан оқлашмоқда.

— Оммавий касб ходимлари тайёрлаш масаласига ташкилотимиз жиддий эътибор қаратиб келади, дейди “Ватанпарвар” ташкилоти Китоб туман кенгаши тасарруфидagi ўқув спорт техника клуби бошлиғи Шариф Те-

миров. — Ташкилотимиз “В” ва “ВС” тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлайди.

Оммавий касб ходимларига йўл ҳаракати хавфсизлиги ва техникани бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш каби мавзуларда 15 нафар малакали ўқитувчи ва амалий усталар мавжуд 16 та энгил ва юк автомобиллари ёрдамида ёшларга касб сирларини ўргатиб келишмоқда. Айниқса, ўқитувчиларимиз Ғайрат Қодиров, Сайдулло Дўстов, амалий усталар Маҳмуд Усмонов, Эргаш Ғаниев соҳага ўта маҳорат билан ёндашади. Касб ходимларининг ўқув ва амалий машғулотларини янада чуқур ва мукамал ўрганишни таъминлаш мақсадида ташкилот ўз даромадлари ҳисобидан иккита замонавий лаборатория ва 4 та синф хоналарини қурди. Эски машиналар ўрнига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бешта энгил автомашина сотиб олинди.

Ташкилотнинг спорт йўналишидаги ютуқлари ҳам талайгина. Ўтган “Баркамол авлод” йилида Бешкент шаҳрида спортнинг дуатлон тури бўйича ўтказилган мусобақада спортчи ёшлардан Мурод Умаров, Шохруҳ Рашидов, Шаҳзод Усмонов қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди. Қарши шаҳрида бўлиб ўтган республика автопойга мусобақасида Исроиҳ Очиллов ҳамда Жасур Темировлар жувфлиги 2-ўринга сазовор бўлди. Самарқандда бўлиб ўтган автокросс мусобақасида 4 та, Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган автокросс Республика чемпионатида ҳам 4 нафар автопойгачимиз қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритиб қайтишди.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
“Millyi tiklanish” муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Бугунги кунда Осиё давлатлари орасида Сингапур таълим тизими ўзига хос ўринга эга. Майдони 640 километр квадратни ташкил этувчи ушбу шаҳар-давлат таълимида молиялаштириш ва ҳусусий мактаблар, ижтимоий ҳимоя, айниқса, тил масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳам Сингапур менежмент университети муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб мазкур мамлакат таълим тизими ҳақида маълумот берилса.

Шоҳсанам ЮНУСОВА,
Қибрай тумани

СИНГАПУР ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ



Дунё харитасидан тариқдек ҳам жой эгалламаган Сингапур бозор иқтисодиётига эга юқори ривожланган давлатлардан ҳисобланади. Яппи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиш ҳиссаси дунёдаги энг юқори кўрсаткичларидан биридир. Буюк Британиянинг жануби-шарқий Осиёдаги собиқ тижоррий мухтор вақилиги — Сингапур сўнги ярым аср мобайнида нафақат иқтисодиётда, балки таълимда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

1960-1970 йилларда мамлакат таълим тизими ислохотлари бошланган. Сингапурда бу вақтда кўплаб миллий мактаблар мавжуд эди. Ислохотлар натижаси ўлароқ, инглиз тили барча мактабларда мажбурий тилга айланди, олий ўқув юрларида дарслар ушбу тилда ўтиладиган бўлди. Ҳукумат сингапурлик талабалар дунёнинг энг йирик университетларида ўқишлари учун катта маблағ сарфларди. Тизимда сиёсатшунослик ва фалсафа каби фанлардан кўра техник мутахассисликларга алоҳида эътибор берилди. Таълим тизимини янги йўналишда барпо этиш учун бюджетнинг катта қисми — бешдан бир улуши ажратилди. Бу Сингапур мактаблари ўқувчиларини доимий ривожланишдаги кўп сонли ва малакали ишчи кучига айлантириш имконини яратди.

Сингапур таълим тизими бошқарувида боланинг ўқий олиши, ҳисоблаши, икки тилда сўзлаша олиши, жисмоний ва маънавий тарбияси, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантиришга ургу берилди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакат етакчилари хорижий бозор ва ҳамкорлар билан мулоқот қилиш учун аҳоли инглиз тилини мукамал равишда билиши керак, деган қарорга келди. Шу боис, инг-

лиз тили барча мактабларда таълим олиб бориладиган тил сифатида жорий этилди. Сингапур ҳукумати ёшларнинг хитой тилини ҳам ўрганишларидан манфаатдор. Негаки, елкама-елка турган Хитой Халқ Республикаси, Тайван, Гонконг билан иш олиб боришда сингапурликлар бўлди. Ҳукумат сингапурлик талабалар дунёнинг энг йирик университетларида ўқишлари учун катта маблағ сарфларди. Тизимда сиёсатшунослик ва фалсафа каби фанлардан кўра техник мутахассисликларга алоҳида эътибор берилди. Таълим тизимини янги йўналишда барпо этиш учун бюджетнинг катта қисми — бешдан бир улуши ажратилди. Бу Сингапур мактаблари ўқувчиларини доимий ривожланишдаги кўп сонли ва малакали ишчи кучига айлантириш имконини яратди.

Мамлакатда мухтор мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар давлат мактаблари томонидан молиялаштирилади. Бу уларга мустақил мактаблар билан бир хил тартибда ишлаш ҳуқуқини беради. Таълим кенг миқёсда молиялаштирилади. Ўқувчиларнинг бошланғич, ўрта мактаб ҳамда коллежларда таълим учун тўлайдиган пули оз миқдорни ташкил этади. Ушбу рўйхатга фақат ҳусусий мактабларгина қирмайди. Негаки, улар тўлов қийматини мустақил равишда ўрнатадилар.

Сингапур таълим тизими бошқарувида ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилади. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган барча ўқувчилар учун "Edusave" дастури амал қилиниб, унга кўра, маълум миқдордаги маблағ "Edusave" ҳисобига қўйилади. Бундай ҳисоб ҳар бир ўқувчи учун таълимга сарфланган йиллик харажатларни қоплаш мақсадида очилади. Ишлатилмаган маблағ Марказий таъминот жамғармасига ўтказилади. Ушбу пуллардан бола вояга етгач фойдаланиши мумкин. Шунингдек, ушбу дастур ҳусусий мактабларда тахсил олаётган болаларнинг турган бир қисми учун харажатларни қоплаш мақсадида стипендиялар ажратиши ҳам назарда тутади. Давлат мактаблари ва ҳукуматдан кўмак олувчи мактаб ўқувчилари ҳам "Edusave" стипендияларини олади. Ана шу тартибда қобилиятли болаларни рағбатлантириш тизими ишлайди. Ҳукумат техник тайёргарлик ва олий таълим учун ҳам катта стипендиялар ажратади. Олий таълим фаол равишда молиялаштирилади. Айни вақтда олий таълимнинг 90 фоизидан ортиги

давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланади. Университет таълими Сингапурда 1905 йилда Тиббиёт коллежи ташкил этилиши билан вужудга келган бўлиб, орадан 24 йил ўтгач, Рафлз коллежга асос солинди. Унда гуманитар ҳамда аниқ фанлар факультети фаолият қўрсатганди. 1949 йилда ташкил этилган Сингапур университети ушбу Тиббиёт ва Рафлз коллежини бирлаштирди. Айни пайтда мамлакатда учта университет — Сингапур миллий, Наньянг технологик ва Сингапур бошқарув университети мавжуд.

Сингапур миллий ва Наньянг технологик университетлари олий таълим ҳамда аспирантурани тақлиф этади, шунингдек, олий даражада тадқиқот ишлари олиб боришга имкон яратди. Хар иккала университет ҳам Сингапур таълим тизими намунаси ҳисобланади. Айни пайтда Сингапурдаги бу икки университетнинг 25 фоиз битирувчиси муҳандислик иши билан шугулланади. Ушбу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатлардаги ўртача кўрсаткич (15 фоиз)дан ҳам юқори. Бугунги кунда табиий фанлар ва муҳандислик ишини ўрганаётган талабалар умумий талабалар сонининг 48 фоизини ташкил этади. Истиқболда бу рақамни 60 фоизга кўтариш режалаштирилган.

Сингапурнинг биринчи ҳусусий университети — Сингапур бошқарув университети 2000 йилда ташкил этилган. Сингапур бошқарув университети мустақил нотижорий ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, Сингапурда қатор ихтисослаштирилган институтлар мавжуд бўлиб, улар қаторида Жануби-Шарқий Осиё институти, Худудий тил маркази, Сингапур сугурта ва санъат коллежи, Наньянг тасвирий санъат академияси, Миллий денгиз ва Авиация академиялари, Порт, Телекоммуникация, Меҳмонхона иши институтлари, илмий ва касбий тайёргарликдан ўтиш мумкин бўлган Таълим марказини санаш мумкин.

Сингапурлик педагогларнинг айтишича, доимо чет элда ўқишни истоган Осиё мамлакатлари талабалари ҳозир олий таълимни кўпроқ ўз она ватанларида ёки ундан узоқ бўлмаган юрда олиш ниятини билдиришмоқда. Мамлакат глобал таълим марказига айланишга ҳаракат қилапти. Сингапур ҳукумати давлат дастурига мувофиқ дунёнинг 16 та етакчи университетини ушбу шаҳар-давлатда ўз университети-шаҳарчаларини очишга жалб этди.

Жаҳон талаблари даражасида олий таълим бериш доимо Буюк Британия ва АҚШнинг устун жиҳати ҳисобланган. Бироқ Сингапур ўзининг "Глобал мактаб" давлат режасига кўра, 2015 йилга қадар олий таълим олиш истагидаги 150 минг хорижлик талабани мамлакатда ўқиш учун тақлиф қилмоқчи. Университет-шаҳарчаларни очиш ушбу режанинг бир қисми ҳисобланади. Айни пайтда Сингапурда 80 000 нафардан ортиқ хорижлик талабалар тахсил олади. Улар асосан Малайзия, Вьетнам, Хитой, Хиндистон ва Жанубий Корёя талабаларидир. Тўғри юқорида айтилган Сингапур миллий ва Наньянг технологик университетларининг нуфузи жуда юқори. Аммо, мутахассисларнинг айтишича, Сингапурда жаҳон университетлари филиалларининг очилиши мамлакат таълим тизими мақомини янада оширган. Эслатиб ўтамиз, мамлакатда Чикаго, Стэнфорд, Жон Хопкинс, Массачусетс, Нидерландия каби йирик давлатларнинг етакчи университетлари ўз филиалини очган. Ушбу машур олий ўқув юрларининг таълим дастурлари турли йўналишларга эга. Улар Сингапурда ўз кампусларини жойлаштириб, кўп сонли осийлик талабаларга эга бўлади. Бунинг устига олий ўқув юрти томонидан ҳал этилиши керак бўлган талабаларнинг виза олиш муаммоси ҳам ўз-ўзидан бартараф этилади. Айтиш жоизки, ҳатто европалик ва америкаликларнинг ўзи ҳам яшаш шароити, нархлар, шаҳар ҳаётини ўрганиб, Сингапурга ўқиш учун келишмоқда.

Табиий бойликларига эга бўлмаган мамлакат британияликлар кетгач, географик жиҳатдан жойлашиш ўрнидан фойдаланиб, жаҳон молия тизимига кира олди ва ривожланган мамлакатлар орасида ўз ўрнига эга бўлди. Сингапурнинг иқтисодий муваффақиятлари шу даражадаки, бугун унинг мустақиллигини қўлга киритган илк даврларда, ҳатто чуқур сув ва қурилиш қўминини ҳам экспорт қилишга мажбур бўлганга ишонини мушкул. Бир вақтлар қашшоқ, аниқроғи ўта қашшоқ мамлакатнинг юқоридаги ютуқларни қўлга киритишида нафақат иқтисодий удабуронлик, балки кадрлар тайёрлаш соҳасини тўздан ислоҳ этиш, таълим мазмунини янгилаш каби йирик қадамлар Сингапур тақдирининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Хилола ИБРОҲИМОВА,
1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

● Сингапур Малайзиянинг шундоққина биқинида жойлашган, майдони 640 километр квадратни ташкил этувчи шаҳар-давлат. Аҳолиси ҳам майдонига яраша — 4 миллиондан ортиқ. Қишлоқ хўжалигининг яппи ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 0,2 фоиз.

● Сингапурда ягона давлат таълим тизими амал қилади. Бу ерда болалар 12 йил тахсил олади ва умумий таълимга эга бўлади. Ушбу 12 йиллик таълимга қуйидаги босқичлар қиради: бошланғич ва ўрта мактаб тегишлича 6 йилдан. Ушбу икки босқич 6 ёшдан 16-18 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган таълим мажбурий ҳисобланади.

● Мамлакатда бир варакайга тўртта расмий тил амал қилади: инглиз, хитой (мандрин), малай ва тамил. Бир вақтнинг ўзида инглиз тили расмий иш юритиш тили бўлса, Малайя тилида давлат мадҳияси янграйди. Мактабда болалар инглиз тили ва бошқа учта тилни иккинчи тил сифатида ўрганишади.


● РАНГИН ДУНЁ

АНТИК КЎПРИК



Тарихий манбаларда келтирилишича, илк замонавий ва мустақам кўприклар антик даврда қурилади бошланган. Ҳар қандай табиат ҳодисасига чидамли кўприклар қурилиши Рим империяси даврига келиб янада авж олади. Бу орада дарёлар устига бир неча арксимон тош кўприклар ҳам қурилган. Масалан, Карфаген ва Гиппон Диоритни боғловчи кўприк ҳозирги кунда автошоссе вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек, эрамингизга қадар I асрда мармарсимон далматини оҳақтошидан бунёд этилган "Римини" (Ита-

ҚЎГИРЧОҚ ОДДИЙ ЎЙИНЧОҚМИ?



Бугунги кунда биз учун ўйинчоқ ҳисобланувчи қўғирчоқлар азал-

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИ

азалдан инсоннинг энг яқин ҳамроҳи ҳисобланган. Маълумотларга қараганда, даставвал қўғирчоқлар қадимги Миср, Греция, Римда пайдо бўла бошлаган. Ўшанда қўғирчоқлар асосан тош ва дароҳт новдаларидан ясалган. Айрим дунё халқлари учун эса қўғирчоқлар шунчаки ўйинчоқ эмас. Масалан, америкалик ҳиндуларни олайлик. Улар қўғирчоқларга маъбуд сифатида сизиниб келишади. Японларда эса икки хил қўғирчоқ тури бор. Биринчиси "сеҳрли" қўғирчоқ бўлиб, ундан инс-жинсларни қувиш мақсадида фойдаланилади. Иккинчиси эса оддий, қизалоқлар ўйнаши учун мўлжалланган қўғирчоқдир. Бу каби қўғирчоқлар оқ тол новдалари ва қоғоздан ясалган. Шунингдек, қўғирчоқлардан ҳозиргача Африка мамлакатларида диний маросимларни ўтказишда фойдаланилади. Аммо, бугун дунёнинг аксарият халқлари учун қўғирчоқ аллақачон оддий ўйинчоққа айланиб улгурган.

КИЧИК КУЗАТУВЧИ

"Микроскоп" сўзи грек тилидан таржима қилинганда "микрос" — "ки-



рикланган. Айрим мутахассислар клавишларнинг жойлашувини алифбо тартиби бўйича ўзгартирмоқчи ҳам бўлишган. Аммо, инсоният аллақачон ёзув машинкасидаги ҳарфларнинг тартибсиз жойлашувига ўрганиб бўлган. Шу боис, ёзув машинкасида фақат ҳарфлар жойлашуви (литер)гина ўзгартириш қолдирилган. Негаки, бундай клавишларда матн териш осон. Кўп ишлатиладиган ҳарфлар клавиатуранинг марказида, яъни фаол ишлайдиган бармоқларга яқин қилиб жойлаштирилган, камроқ ишлатиладиган ҳарфлар чеккароқдан жой олган.

деб ҳисоблайди. Албатта, бу бахталаб масала. Бироқ, микроскоп нималигини дунё аҳли айнан Левенгукнинг тадқиқотидан сўнг билиб олган. Ўшанда олим паразит ҳашаротлар тирик ҳолда эмас, балки тухум қўйиш натижасида кўпайишини микроскоп ёрдамида исботлаб берган эди.

НЕГА АЛИФБО БЎЙИЧА ЭМАС?

Замонавий ёзув машинкаси мураккаб механик мослама ҳисобланади. Ҳозирги кўринишга келгунга қадар ёзув машинкасининг механизмлари тез-тез ўзгариб турган. Биринчи бўлиб ёзув машинкасини яратиш гоёси XVIII аср бошларида туғилади. Лекин, дастлабки намунавий модель 1867 йили Кристофер Шолс томонидан яратилган. Шолс унга ёзув машинкаси деб ном қўяди. Аввалига, кўпчилик Шолснинг бу кашфиётига унчалик қизиқиш билдирмади. 1880 йилларга келиб эса ёзув машинкалари оммалаша бошлади. Шу кунга қадар ёзув машинкаларининг конструкцияси ўзгариб турган. Бироқ, ҳеч қачон унинг клавишларига ўзгартириш ки-

ритилмаган. Айрим мутахассислар клавишларнинг жойлашувини алифбо тартиби бўйича ўзгартирмоқчи ҳам бўлишган. Аммо, инсоният аллақачон ёзув машинкасидаги ҳарфларнинг тартибсиз жойлашувига ўрганиб бўлган. Шу боис, ёзув машинкасида фақат ҳарфлар жойлашуви (литер)гина ўзгартириш қолдирилган. Негаки, бундай клавишларда матн териш осон. Кўп ишлатиладиган ҳарфлар клавиатуранинг марказида, яъни фаол ишлайдиган бармоқларга яқин қилиб жойлаштирилган, камроқ ишлатиладиган ҳарфлар чеккароқдан жой олган.

Зафар МУҲАММАД,
"Milliy tiklanish" муҳбири



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кемалар текширувдан ўтади

Россияда "Булгария" ҳалокати муносабати билан мотам эълон қилинган.

Россия президенти Дмитрий Медведев 12 июлни Волга дарёсида "Булгария" йўловчи теплоходи ҳалокатида қурбон бўлганлар хотирасига миллий мотам куни эълон қилган. Эслатиш жоизки, ўтган яшанба куни ноқулай об-ҳаво шароитида теплохот сувга ғарқ бўлган. Д.Медведев Россияда йўловчи ташувчи мавжуд барча воситаларни қайтадан текшириб чиқишга топшириқ берган. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, теплоходда 208 нафар одам бўлган, улардан фақат 79 нафари қутқариб олинган. Вазирликнинг Татаристондаги идораси тарқатган сўнги маълумотга қараганда, ғарқ бўлган кема ичидан 40 нафардан ортиқ инсон жасади чиқариб олинган. Мутахассислар «Булгария» кемасини сув остидан чиқариб олишни режалаштиришмоқда. Кема Волга дарёсининг 20 метр чуқурлигига ётибди.



Кибер-жиноятчиларга қарши

НАТО Эстонияда кибертеррорчиликка қарши кураш маркази ташкил этилишини маълум қилган.

Марказ ходимларининг вазифаси ҳукумат идоралари сайтига хакерлар томонидан қилинаётган ҳужумларни қайтаришдан иборат. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган Совет жангчилари хотирасига Эстонияда ўрнатилган ёдгорлик берасида Таллин ва Москва ўртасида жиддий иктилоф юзага келган. Эстония раҳбарияти ёдгорликни кўчириш ҳақида эълон қилган пайтда ҳукумат ва давлат идоралари, шунингдек, банк ва оммавий ахборот воситалари сайтларига рус хакерлари томонидан кетма-кет ҳужумлар амалга оширилган. Интернет порталлари кибер-жиноятчилар ҳужуми кучайганидан хавотирга тушган Эстония ҳукумати уларга қарши курашда кўмак кўрсатишни сўраб Европа Иттифоқи ва НАТОга мурожаат қилган.



Африкада жиддий инқироз

Африкадаги қурғоқчилик дунёдаги энг жиддий инқирозга айланмоқда.

Бу ҳақда БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссари журналистларга маълум қилган. Маълумотларга кўра, Шарқий Африкадаги қурғоқчилик сабаб Сомалидаги вазият ҳам тора мураккаблашмоқда. Кения шимол-шарқда эса 360 мингдан зиёд одам қочқинга айланган. Шунинг учун халқроқ ёрдам агентликлари зудлик билан қурғоқчиликдан жабр кўрганларга ёрдам бериши лозим, дейишмоқда мутахассислар.



Болалар озод қилинган

Малайзияда гаровга олинган боғча болалари озод қилинган.

Мамлакат жанубидаги Жохор штатида полиция 30 нафарга яқин болалар ва тарбиячиларни озод қилган. Полиция икки нафар қуролланган шахсни ҳибсга олган.

Маълумотларга қараганда, гаровга олинганларнинг барчаси ўзини яхши ҳис этмоқда. Малайзиядаги "Star" газетасининг ёзишича, полиция боғча ичкарасига киришдан олдин кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланган. Шифокорларнинг сўзларига кўра, жиноятчилардан бири рўҳий хаста шахс бўлган.

Хилола ҲОТАМБЕКОВА,
Хорижий ОАВ баҳарлари асосида тайёрлади



**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**ЯҒОНАСАН,
МУҚАДДАС
ВАТАН**

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят музикали драма театрида "Яғонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 42 нафар яхка ижрочи, 3 та бадий жамоа қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди. Танловда муваффақиятли иштирок этган Баҳодир Мўминов "Ватан" кўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Гулчехра Хайруллинанинг "Эйтиқод" кўшиғи учун берилди. Академик ва халқ бадий жамоалар дирекциясининг "Ватан қўллаиди" кўшиғи эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

**БАРҲАЁТ
НАВОЛАР**

Бухоро шаҳридаги Сомониёлар номи маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Барҳаёт наволар" туркумидаги миллий чолгу ижодчилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, биринчи ўрин Бухоро шаҳар "Камолот" марказий маданият уйи ҳузурдаги "Бухоро юлдузлари" дорбозлар халқ жамоасининг карнайчи-ю сурнайчиларига берилди.

**ОИЛАЛАР
ЖАМ БЎЛДИ**

Гулистон шаҳар "Алпомиш" мажмуасида республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Сирдарё шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида "Баркамол авлод буюк келажак" номи республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Юқори савияда ўтган ушбу тадбирда Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган оилалар қатнашишди. Тадбирнинг бадий қисмида махсус тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Унда таниқли хонандалар, сўз усталари, "Нихол" болалар намунали фольклор ансамбли, "Болалар шаҳарчаси"нинг "Камалак" рақс ансамбли ўз дастурлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

**БОЛАЛАР
ОРОМҒОҲЛАРИДА**

Норин туман "Катта Ўлмас" маданият уйи жамоаси томонидан "Биз Ўзбекистон ёшларимиз" номи концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда янграган "Орзу" ҳамда "Чортоқ тонги" бадий ҳаваскорлик жамоаларининг шўх-шодон кўшиқлари, қувноқ рақслари болажонларни янада хурсанд қилди. Ана шундай тадбирлар "Норин", "Шодлик" ва бошқа бир неча болалар оромгоҳларида ҳам бўлиб ўтди.

Назokat АХМЕДОВА,
Озода БУРХАНОВА

МУЛОҚОТ

Келажак таянчи, сунъи бўлмиш ёшларнинг ўз истеъдоди, иқтидорини намойиш этиши учун мамлакатимизда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Кимдир спортдаги ғалабаси билан, кимдир санъатдаги ютуғи билан, яна кимдир фан йўналишидаги кашфиёти билан юртимиз обрў-эътиборини ошираётгани кўнглимизни кўтарди. Шундай ёшлардан бири отаси ва устози Файзулла Аҳмадалиев кўмағида ўз йўлини топган ёш мусаввир Фаррух Аҳмадалиевдир.

— Инсон ҳаётида устознинг ўрни катта экан, дейди сўхбатдошим Фаррух Аҳмадалиев. — Халқимизда "устоз-шогирд" деб аталувчи ажойиб аъёна бор. Ўзбек усталари, мусаввирлари ҳаётини кузатсангиз, албатта, уларнинг ортида вақти ва меҳрини аямаган устозлари борлигини кўрасиз. Бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Чет эл замонавий санъатига назар солсангиз, ҳар бир мусаввир ўзи истаганча ижод қилиши керак, унга ҳеч ким йўл-йўриқ кўрсатмайди, бу замонавий санъатнинг вазифаси эмас деб қарашди. Бизда эса аксинча. "Устоз-шогирд" аъёнаси ижодкор ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Отанинг йўл-йўриқлари, тажрибалари, сабоқлари сабаб шу даражага етдим. Яна бир томони эса шогирд устози услубини такрорлашаслиги, аксинча, янги, ўз услубини топа билиши керак. Муҳаммад Нуриддин, Матхиддин Умаров, Акмал Икромжонов, Эмир Мансуров, Бобур Исмоилов, Акмал Нур каби санъат усталари ҳам устозларим ҳисобланади.

— Сиз ноанъанавий — ўзига хослиги билан ажралиб турувчи авангард услубида ижод қиласиз. Анъанавий рассомлик мактаби ҳақида фикрингиз қандай?

— Бир услубда ижод қилувчи икки мусаввир матога бир хил нарсани муҳрлаганда ҳам икки хил кўринишдаги қиёфа пайдо бўлади. Айтмоқчиманки, мен ижод қиладиган услубни тушуниш, ажратиш учун албатта анъанавий рассомлар ижодида мурожаат қилинади. Анъанавий услубни ҳам мураккаб, ҳам кўп меҳнат талаб қиладиган йўналиш деб биламан. Асосийси, мусаввир қайси йўналишда ижод қилмасин, ижоди билан яшаши, яратётган асаридан аввало ўзи завқ оломои лозим.


— Қандай образлар сизни ҳаяжонга солади ва кимлардан илҳомланасиз?

— Ҳар бир нарсанга чексиз умид билан қарайдиган инсонлардан илҳомланаман. Сабаби, инсон доимо ҳаракатда, изланишда бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайман. Образларга келсак, мени кўпроқ самимий нарсалар ҳаяжонга солади: оддийликни, соддаликни ёқтираман. Табиат



Файзулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

КЎЗГҮ



КЎНГИЛНИ АНГЛАШ САНЪАТИ

гўзаллиги, турли шакллар, бетакрор ранглар, юртимнинг кун сайин чирой очаётгани, қалби пок халқимизнинг ширин табассуми кўлимга мўйқалам тутқазди.

— Рассомлар ижодида муносабат, умуман, мухлислар дидини қандай баҳолайсиз?

— Рассомларга қараб ундан завқ ола биладиганларни зиёли инсонлар деб биламан. Очиғи, ҳамма ҳам тасвирий санъатни чуқур тушунавермайди, яхши асар билан ёмонини фарқлай олмайди. Қолаверса, бу халқимиз маънавияти, миллий

зим. Тўғри, асар яратишда ҳисоранглар, туйғуллар биринчи ўринда туради. Бирон бир гоёни томошабин ҳукмига ҳавола қилиш учун эса бетиним изланиш лозим. Агар мусаввир шунчаки гўзаллик яратмоқчи бўлса унда юрак бўлиши керак.

Фаррухнинг "Сир", "Кечки Хива", "Онамга хат", "Ҳаёт давом этмоқда" туркумлари, "Бўса", "Ҳаёт", "Бухоро натюрморти", "Уста тонги", "Дунёга нигоҳ" каби асарларини томоша қиларкансиз, устозларнинг "Санъат — инсон ақлу заковатининг буюк

ўтказилган "Конstellляция P.S." кўргазмасини келтириш мумкин. Ушбу лойиҳа 2005 йил бўлиб ўтган "Ўзбекистондаги илк contemporary art кўргазмаси"нинг бевосита давоми бўлди. Лойиҳа Ўзбекистон замонавий санъатининг ўзига хослиги, Ўзбекистон ижодкорларининг ҳаётон саҳнасида ўз ўрнига эга эканлигини яна бир бор исботлади ва томошабинлар, мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

"Конstellляция P.S." кўргазмасида тажрибали рассомлар ва ёш ижодкорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шулар қаторида Фаррух Аҳмадалиев "От" деб номланган инсталляцияси билан қатнашди. Унда ижодкор тасвирий санъатнинг ҳар хил воситалари орқали ўз гоёларини, ички дунёсини ифодалаган. У гўзал жонивор — отнинг мукамаллигини кўрсатмоқчи бўлган ва бунга эришган.

Ёш бўлишига қарамай, тинимсиз меҳнат қилаётган мусаввир бир неча йиллардан бери Ўзбекистонда ва чет элларда бўлиб ўтаётган кўргазмаларда иштирок этиб келяпти. 2000 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Фонд Форум томонидан ўтказилаётган "Навқирон Ўзбекистон" анъанавий ва замонавий санъат фестивали доимий қатнашчиси, икки мартаба мазкур фестиваль лауреати. 2000 йил Швейцария ҳамкорлиги ва тараққиёт агентлиги қўлловидан ўтказилган "Чегара" кўргазмаси, 2002-2003 йилларда Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида бўлиб ўтган "Кузги зерина" иштирокчиси. 2003 йил Ўзбекистондаги Польша Республикаси элчихонасида ўтказилган ёш рассомлар кўргазмаси, 2006 йил Ўзбекистондаги Германия элчихонасида "Рассом ва адиб" деб номланган Ханс-Йоахим Кидерлен лойиҳаси, 2007 йил Швейцария ҳамкорлиги ва ривожланиш агентлиги қўлловидан ўтказилган "Тетрагон" кўргазмаси, 2009 йил 4-Халқаро Биеннале доирасида ўтказилган "Туркистон римейки" кўргазмаси иштирокчиси. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бундан ташқари, унинг бир қанча шахсий кўргазмалари ҳам ташкил этилган. 2006 йил "Интерконтинентал" меҳмонхонаси, 2008 йил Германия элчихонаси томонидан Покистоннинг Карачи шаҳрида бўлиб ўтган ва 2009 йил "Анор-с" галереясида бўлиб ўтган бир қанча шахсий кўргазмалари намойиш қилинган. Рассомнинг ишлари Россия, Қозоғистон, Болгария, Польша, Германия, АҚШ ва бошқа қатор давлатларнинг шахсий коллекцияларидан муносиб жой олган.

— Асосийси қанча асар яратиш эмас, асарлар орқали инсонлар кўнглига йўл топиш, руҳиятига таъсир қила олиш ва уларга қувонч бағишлай билиш, дейди Фаррух Аҳмадалиев. — Зеро, кўнглини англаш ҳам катта санъат.

Адиба ФАЙЗ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Улуглик чечан сўз, даъвода эмас,
Баландлик ҳаёли ҳавода эмас.
Тавозеъ кўтарар бошингни баланд,
Такаббур тупроққа тикар бериб панд.

БИЛАСИЗМИ?

Жанубий Американинг икки давлати — Боливия ва Парагвай океанга чиқиш имконига эга эмас.

Хитой барча океанлардан узоқда жойлашган.

ТУРФА ОЛАМ

КЎҲНА ШАҲАР

ИСПАНИЯЛИК АРХЕОЛОГЛАР ҲАЭН ПРОВИНЦИЯСИ ҲУДУДИДА ҚАДИМГИ ИБЕРИЙ САЛТАНАТИГА ОИД АШЁЛАРГА ДУЧ КЕЛИШДИ.


Мутахассисларнинг ҳисоблашича, қадимда ушбу салтанат тахминан 400 квадрат метр майдонни эгаллаган. Олимлар илк мартаба ўтган асрнинг 70-йилларида Ҳаэнда кўҳна шаҳар изларини аниқлашган эди. Археологларнинг гапига қараганда, салтанатга қарашли саройлар эрамизга қадар V асрдаёқ қурила бошланган. Ушунда салкам 1000 киши истиқомат қилган салтанат саройлари икки қаватли ва бир неча ички ҳовлилардан иборат бўлган экан.



МЎЪЖАЗГИНА ФОТОАППАРАТ

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМЛАР ЎТА ИХЧАМ ФОТОАППАРАТ ЯРАТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШДИ.

CLAP номини олган аппаратнинг оғирлиги бор-йўғи 24 грамм, ўлчамлари эса 3,5х7х1,5 сантиметрли ташкил қилади. Тўғри, янги фотоаппаратнинг техник кўрсаткичларини у қадар юқори даражада деб бўлмайди. Бирок, унда бошқа фотоаппаратларда учрамайдиган магнит бор. Шу боис, кўнглингиз суратга олишдан чарчаган маҳал камерани магнит ёпишадиган бирор бир буюмга қотириб қўясиз. Қарабсизки, камеранинг ўзи ўша жойдан туриб суратга тушираверади. Дарвоқе, фотоаппарат 2 мегапикселли хотира картасига ҳам эга.



ЭКОЛОГИК ТОЗА ЧАНГЮТГИЧ

ВАХ КОМПАНИЯСИ (БУЮК БРИТАНИЯ) КАРТОН ҚОҒОЗДАН ЯСАЛГАН ЧАНГЮТГИЧНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛДИ.

Мазкур хўжалик буюми қайта ишланган картон чиқиндиларидан тайёрланган. Гоё муаллифларнинг фикрича, бундай чангютгич энг аввало атроф-муҳит мусоффолигини сақлайди. Қолаверса, картон чангютгичлар қўл меҳнати орқали йиғилади. Уни ясаш учун кетадиган сарф-харажатлар эса ҳаминқадар. Картон чангютгич яшил рангда бўлиб, унинг аямин деталлари нейлон ва шунга ўхшаш ашёлардан ишланган.



ВИРТУАЛ ДЎКОН

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МЕТРОПОЛИТЕНИДА ВИРТУАЛ ДЎКОН ИШ БОШЛАДИ.

Бундай гоё маҳаллий маркетингларга тегишли бўлиб, улар бу билан ишга боши билан шўнгиган инсонларнинг оғирини енгил қилмоқчи бўлишган. Уларнинг айтишича, эрта-ю кеч ишда бўлган инсон дўкони-дўкони юришини унчалик хушламайди. Виртуал дўкон уларни бу муаммодан осонгина халос этади. Бунинг учун метрополитен деворига ўрнатилган экранда кўрсатилган маҳсулот коддини босиб, буюртма беришнинг ўзи кифоя. Фақат кўнглингизда смартфон бўлса бўлгани.



Дилнавоз ЧОРИЕВА тайёрлади

Ҳайдаров Ўрлогга тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 7-даха, 12-уй, 23-хонадон уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуров МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия хайъти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳаҳми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 719, Адади — 4257
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмаил ХУДОЕВОВ
Навбатчи: Эргаш ХУЖАЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyti@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.50.